



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СОҲАСИДАГИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ВА РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБ- ТАОМИЛЛАРИНИ ЯНАДА ҚИСКАРТИРИШ ВА СОДДАЛАШТИРИШ, ШУНИНГДЕК, БИЗНЕС ЮРИТИШ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИНИ ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ республикада давлатнинг иқтисодий ҳаётида иштирокини камайтириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хусусий мулкнинг устуворлигини янада кучайтириш, бизнес ташаббуслар, стартапларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган комплекс институционал ва таркибий ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича қабул қилинаётган чоралар самардорлиги ва натижадорлиги етакчи ҳалқаро молиявий ташкилотлар ва рейтинг агентликларининг ижобий баҳоларида ҳолисона акс эттирилмоқда. Жаҳон банкининг «Бизнеси юритиш – 2018» ҳисоботида Ўзбекистон тадбиркорлик учун янада қулай шароитлар яратиш бўйича ислохотчи давлатлар қаторида жаҳонда биринчи ўнликка кирди.

Шу билан бирга, бир қатор йўналишларда тадбиркорлик соҳасини давлат томонидан тартибга солишнинг бюрократлашган методлари ҳали ҳам сақланиб қолмоқда, бу эса, ўз навбатида, маҳаллий бизнеснинг рақобатдошлигини жадал ривожлантириш, ишбилармонлик муҳитига янги технологиялар ва инновацияларни татбиқ қилиш, қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини

яратиш бўйича давлат сиёсатининг изчиллигига бўлган ишончни мустаҳкамлашга тўқинлик қилмоқда. Хусусан:

Биринчидан, тадбиркорлик фаолияти соҳасида замонавий талабларга жавоб бермайдиган, умрини ўтаб бўлган кўп миқдордаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари сақланиб қолмоқда; **Иккинчидан**, бизнес жараёнларини бошқаришнинг бозор механизмлари жуда секинлик билан татбиқ этилмоқда, шу жумладан, тартибга солиш функциялари ҳаддан ташқари марказлашган, ўзини ўзи тартибга солиш ва жамоатчилик назорати механизмлари суут даражада қолмоқда;

Учинчидан, тадбиркорлар ханузгача айрим ваколатли органлар томонидан лицензия ва рухсатнома бериш хусусиятига эга ҳужжатларни расмийлаштиришда маъмурий тартиб-таомилларнинг чўзилиш ҳолатлари билан тўқнашмоқда;

Тўртинчидан, ваколатли давлат органлари ўртасида лицензия ва рухсат бериш хусусиятидаги ҳужжатларни тубдан қисқартириш, маъмурий тартиб-таомилларни янада соддалаштириш ва очиқлик даражасини оширишга қаратилган ўзаро ҳамкорлик зарур даражада олиб борилмапти.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда давлат хизматларини кўрсатишнинг миллий тизimini тубдан ислоҳ қилиш бўйича кенг миқёсда бошланган ишлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида Давлат хизматлари агентлиги ташкил этилди (кейинги ўринларда – Агентлик).

Ҳозирги вақтда нафақат тадбиркорларга, балки аҳолига ҳам энг зарур ва талаб юқори бўлган давлат хизматларини «ягона дарча» тамойили бўйича кўрсатиш мақсадида республиканинг ҳар бир туман ва шаҳарларини қамраб олган Халқ қабулхоналари ҳузуридаги давлат хизматлари марказларининг ягона тармоғи яратилди.

Шу билан биргаликда, амалга оширилган чора-тадбирлар ва эришилган ютуқларга қарамастан давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида фойдаланилмаган имкониятлар ва ҳал этилмаган муаммолар сақланиб қолмоқда. Хусусан:

Биринчидан, бир қатор ташкилотларда базавий ахборот тизимларини жорий этиш масалалари ва уларнинг идоралараро интеграция қилиниши паст даражада эканлиги давлат хизматларини қулай ва ўз вақтида кўрсатишни таъминламапти. Кўрсатиб ўтилган камчиликлар, айниқса, Мудофаа вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, «Ўзтрансгаз» АЖ ва барча даражадаги маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тааллуқлидир;

Иккинчидан, давлат органлари томонидан жисмоний ва юридик шахслар тўғрисидаги маълумотлар, кўчмас мулк объектлари ва бошқа ҳужжатлар реестрлари алоҳида қоғоз кўринишида юритилиши, электрон архивларнинг мавжуд эмаслиги электрон давлат хизматларини кўрсатишда қийинчиликларга олиб келмоқда. Бу каби салбий амалиёт, айниқса, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси (кейинги ўринларда – Давергеодезадастр) ва «Ўзархив» агентлигига тегишлидир;

Учинчидан, кўпчилик давлат хизматлари марказлари ханузгача юқори тезликдаги Интернет

тармоғига уланмаганлиги идоралараро электрон ҳамкорликнинг зарур даражада йўлга қўйилмаслигига сабаб бўлмоқда. Ушбу жиддий муаммоларни бартараф этиш учун Агентлик, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва «Ўзбектелеком» АЖ раҳбарлари таъсирчан чоралар кўрмаяпти;

Тўртинчидан, давлат хизматини кўрсатувчи ваколатли органлар ва давлат хизматлари марказлари лозим даражада замонавий компьютер техникаси ва техник воситалар билан жиҳозланмаганлиги давлат хизматларини кўрсатишнинг илгор ва инновацион методларини жорий қилишга тўсиқ бўлмоқда;

Бешинчидан, давлат хизматлари марказлари зарур бино ва хоналар билан таъминланмаганлиги талаб юқори бўлган кўплаб хизматларни кўрсатиш учун ташриф буюрувчиларни тўлиқ ва бир вақтда қамраб олишга имкон бермапти;

Олтинчидан, рухсат бериш ва лицензиялаш жараёнларидан ўтиш ҳамон мураккаб ва ортиқча тартибга солинганлигига қолмоқда, давлат хизматларини олиш жараёнида ортиқча талаблар ва тўсиқларнинг мавжудлиги шаффофлигининг йўқолишига, ҳуқуқни турлича қўллаш амалиётига ва оқибатда суиистеъмолчиликлар тез-тез содир этилишига ва бошқа қондабузарликларга олиб келмоқда;

Еттинчидан, ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг билим даражаси ва малакаси пастлигига қолмоқда, уларга ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этиш ва олишни ўргатиш бўйича ташкиллаштирилган тизим мавжуд эмас.

Аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш миллий тизимнинг сифат жиҳатдан янги босқичга жадаллик билан ўтишини таъминлаш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Маъмурий ислохотлар концепциясини изчил амалга ошириш мақсадида:

1. Агентлик, Давергеодезадастр, «Ўзархив» агентлиги, шунингдек, давлат хизматларини кўрсатиш соҳасидаги бошқа вазирлик ва идораларнинг иши қониқарсиз, деб топилсин.

2. Қуйидагилар кўрсатиб ўтилган вазирлик ва идоралар, давлат хизматларини кўрсатадиган бошқа ваколатли органларнинг биринчи даражали вазифалари этиб ҳисоблансин:

давлат хизматларини кўрсатиш жараёнларини янада унификациялаш ва автоматлаштириш мақсадида ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларини яратишга ягона технологик ёндашувни таъминлашни ҳисобга олган ҳолда ахборот-коммуникация технологияларини жадаллик билан ривожлантириш ва жорий этиш; вазирликлар ва идораларнинг архив фондидини рақамли кўринишга ўтказиш ва тегишли ахборот ресурсларига киришга имконият беришга доир чора-тадбирларни амалга оширишни янада жадаллаштириш;

ягона давлат реестрига киритилган барча давлат хизматлари бўйича бизнес жараёнларнинг реинжинингидини амалга ошириш орқали давлат хизматларини кўрсатиш жараёнидаги тартиботларни ва уларни кўрсатиш муддатларини тубдан қисқартириш, бланк ва шаклларни сезиларли даражада оптималлаштириш;

давлат хизматларини кўрсатиш жараёнига жалб этилган ходимларнинг ўз лавозим мажбуриятларини сўзсиз, ўз вақтида ва сифатли бажаришни таъминлаш, уларнинг масъулиятини кучайтириш, ҳозирги замон талабларига мувофиқ ишлаш кўникмаларини ва маданиятини ошириш, улар ишини объектив баҳолаш механизмларини жорий этиш;

юклатилган вазифа ва функциялардан келиб чиққан ҳолда муаммоларни ҳал қилишда давлат органлари ва ташкилотларнинг давлат хизматларини кўрсатишда иштирокчилари бўйича ҳаракатларни бирлаштириш юзасидан масъулиятларини ошириш;

(Давоми 2-бетда)

ЎЗХДП ФРАКЦИЯСИ ПОЗИЦИЯСИ

РЕКРУТИНГ

Парламентда бандликни таъминлаш билан боғлиқ муҳим қонун лойиҳаси муҳокама этилмоқда



3

ЎЗХДП ТАШАББУСИ

Энг намунали бошлангич ташкилот танлови ўтказилади

Сиёсий партиялар фаолияти кучайиб, нуфузи ошиши, тарафдорлари сафи кенгайиши бевосита бошлангич ташкилотлар фаолиятига боғлиқ. Шунинг учун ЎЗХДП бошлангич ташкилотлар ишини такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Жорий йилдан бошлаб Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг «Ўзбекистон ХДПнинг энг намунали бошлангич ташкилоти» кўрик-танлови йўлга қўйилади. Мазкур танлов тажриба тарихида Андижон вилоятида ўтказилиши белгиланган.

Танлов партия Сайловолди ҳамда Ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларни амалиётга татбиқ этиш, партия Марказий Кенгашининг 2018 йил учун тасдиқланган йўл харитаси ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилади. Шу орқали бошлангич партия ташкилотлари ишини оммалаштириш, уларни қўллаб-қувватлаш кўзда тутилган. Шунингдек, ЎЗХДП аъзолари ҳамда тарафдорлари билан ишлашда алоҳида намуна кўрсатган БПТларни доимий рағбатлантириш, ҳудудий куйи ташкилотлар билан ишлаш секторлари мудирилари ўртасида тажриба алмашиш масалалари ҳам қамраб олинган.

Мазкур танлов жорий йилнинг 18-20 апрель кунлари бўлиб ўтади. Унинг якунига кўра тўпланган тажриба асосида кўрик-танлов республика даражасида оммалаштирилиши режалаштирилмоқда.

Ўз мухбиримиз.

МУНОСАБАТ

ДУНЁНИ ТАНИШ ВА ДУНЁГА ТАНИЛИШНИНГ ҚИЙМАТИ

Қадимги файласуфлардан бири «Дунёни таниш ва дунёга танилиш айни қийматдаги тушунчалардир», деган пурҳикмат гапни айтган экан. Аслида бу ҳақиқатни инсонларга ҳам, давлатларга ҳам бирдай қўллаш бўлади. Инсон авваламбор атрофидагиларни, сўнгра дунёнинг илму ҳикматларини ўрганган, жаҳонга овоза бўладиган кашфиёт қилиши, асар яратиши эҳтимоли ортади. Давлатлар ўз дипломатик корпуси ва илмий-аналитик марказлари-

нинг ёрдами билан Ер юзидagi умумий аҳволни, иқтисодий ва сиёсий конъюнктурани, геосиёсий ва геоиқтисодий вазиятни чуқур англаб этиб, минтақа ва жаҳон сиёсати реалликларидан келиб чиқиб сиёсат юритганида, дунё меҳварига обрў-эътиборга эга бўлиши, ўз юртининг салоҳиятини тўлиқ намоён қилиш имконияти пайдо бўлади. Шу сабабли, у ёки бу мамлакатнинг муваффақиятли ташқи сиёсати унинг дипломатлари ва бошқа ташқи сиёсий-иқтисодий фао-



Жулибой ЭЛТАЗАРОВ,
Самарқанд давлат университети филология факультети декани, профессор.

лият билан шугулланувчи ташкилотларнинг нечоғли иш олиб бориши билан боғлиқ.

(Давоми 3-бетда)

ТОМОРҚАДАН ТИЛЛО ТОПГАНЛАР Каттақўрғонлик соҳибкорларнинг изланишлари, интилишлари ҳақида



4

Фотурх АЛИЕВ олован Суралиевдан.

ДУНЁНИ ТАНИШИ ВА ДУНЁГА ТАНИЛИШНИНГ ҚИЙМАТИ

1950-йиллар бошида Япония, 1960-йилларнинг охирида Жанубий Корея «Осиё йўлбарлари»га айланаётган пайтда бугунги кунда жаҳон иқтисоди ва илмий-техник тараққиёти даргалари кўнимдаги бу икки ўлканинг таъсири ва иқтисодий идоралари бутун дунёда ўз фаолиятини кучайтириб, япон ва корей молларига янги бозорларни излаган, араб шайхлари ва ГАРБ корчалонларининг мамлакат иқтисодиётига икки тарафлама фойдали инвестициялар киритишида жонбозлик кўрсатган эди.

таълим ва маданият соҳасидаги алоқалар эҳтиёжи яқин ва узоқ хориждаги мамлакатлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни кун сайин яхшилашни талаб этади. «Иқтисодий дипломатия» аслида бутун ташқи алоқаларнинг локомотиви. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун Хитой Халқ Республикасининг кейинги 40 йил ичида «иқтисодий дипломатия»дан дунёнинг супер кучи даражасига эришувига қадар босиб ўтган йўлини эслаш кифоя...

дастлабки 15-20 йили ичида) бу ҳолни нормал қабул қилиш мумкин эди. Аммо бундан буёғига бу масалада дунё стандартига амал қилишимиз зарур бўлади. Фармонда «фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари амалда ҳимоя қилинишини таъминлаш механизмларини шакллантириш ва амалга ошириш, хориждаги ватандошларимиз билан ҳар томонлама мулоқотни қўллаб-қувватлаш, уларни савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва ижтимоий лойиҳалар ҳамда дастурларни амалга оширишга фол жалб қилиш» хусусида алоҳида таъкидланган.

Уллубек, Али Қўшчи каби дунё ҳамда ислом фани ва маданиятига катта ҳисса қўшган боболари ҳақида кўпроқ билишни исташар экан. Бу китобни 2015 йилда босиб чиқаришди, икки кунлик катта тантана билан таништирув маросими ташкил этишди. Матбуот, радио, телевидениеда катта реклама кампаниялари, кўрсатувлар қилишди. Бу инсонлар она юртдан айрилганига 100 йилдан зиёд вақт ўтганига қарамай, яқин маданий ва лисоний муҳитда яшаганига қарамай, она тилини, қадрдон маданиятни унутмаган, Ўзбекистоннинг байроғи ҳар бир аданалиқ ўзбекининг уйда бор. Ана шундай диаспораларимиз билан яқин алоқа ўрнатиш, уларга «маданият элчиси» бўлишга имконият яратиш, улар орасидаги ишбилармонларни ватанимизга инвестиция киритишини кўпроқ ташвиқ этиш лозим, деб ўйлайман. Бу борада давлатимиз раҳбари ташаббусларини фол қўллаб-қувватлашимиз керак.

Кучли дипломатиясиз, соат механизмидек аниқ ва мунтазам ишлайдиган ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий муассасаларсиз давлат қанотлари заиф қуш каби дунё кенгликларидан парвоз қилолмайди, жаҳон меҳварига чиқа олмайди. Бугунги глобаллашган дунёнинг энг кескин ҳақиқатларидан бири — шу.

ишларини кучайтириш орқали Ўзбекистоннинг ижобий халқро нуфузини шакллантиришда «оммавий дипломатия» воситаларини фол қўллаш» вазифини ҳам муҳимдир. Элчионалар аввало ў ки бу мамлакатнинг маданияти, тарихи ва бугунги тимсоли бўлган муассасалардир. Шу сабабли, элчионаларимиздаги ходимлар дипломатик маълумотдан ташқари мамлакатимизнинг бой маданиятини ҳам ўзлаштириб олишлари керак, ёки Франция, Германия ва Буюк Британиянинг ташқи сиёсий идораларида кўп қўлланилган ў ки бу минтақа ёки давлатнинг маданияти, тили бўйича олимлар, ёзувчилар ва бошқа иходкорларни маълум бир муддат (анъаналар шаклланишича) элчионалар фаолиятига жалб этиш лозим бўлади. Элчионаларимизнинг сайтларини бутун дунёда қабул қилинганидек, давлат тилида ва ўзи жойлашган мамлакат тилида фаолият кўрсатишини таъминлаш лозим. Сир эмас, баъзи катта-катта мамлакатлардаги элчионаларимизнинг сайтга кирганинг, уларда ўзбекча ахборот жуда кам, ёки рус тили фол қўлланади. Маълум бир вақт оралиғида (мустақилликнинг

этниқ диаспорага эга мамлакатлардан бирига айланади. 1900-йилларнинг биринчи ярмидаги инқилоб ва қатғонлар, кейинги йилларда «меҳнат миграцияси» эҳтиёжлари туфайли бугунги кунда чет элларда миллионлаб юртдошларимиз яшамоқда. Аслида бу инсонлар континенти Ўзбекистон учун чет элларда кучли лобби фаолиятларини олиб боришда катта имкониятлардан бири. Масалан, Туркияда, Саудия Арабистонида юз минглаб, балки миллионлаб этниқ ўзбеклар (туркистонликлар) яшади, уларнинг маданий ёки ўзаро ёрдамлашув жамиятлари мавжуд. Бу инсонлар она Ватани Ўзбекистонни тарғиб ва ташвиқ қилади, маданият элчилари вазифини бажарадилар. Улар Ўзбекистоннинг ютуқларидан гурунлашадилар, маданий-лисоний алоқаларга чанқоқдилар. 2014 йилда камини Туркиядаги Муғла университетига ишлаб юрган пайтимида Адана шаҳридаги ўзбеклар жамияти мендан «Туркистонлик олимлар» деган китоб ёзиб беришимни сўрашди, чунки уларнинг фарзандлари Махмуд Кошарий, Навоий, Абу Али ибн Сино, Фаробий, Мирзо

«Меҳнат миграцияси» туфайли Россияда, Кореяда, Туркияда яшаётган ватандошларимизни уюштириш, уларга Ўзбекистон фойдасига лобби фаолиятларида бўлишини ташкил этиш ҳам катта фойда бериши мумкин. Диаспора билан ишлашда дипломатларимиз Исроил ҳамда қардош Озарбайжон тажрибасини ўргансалар ёмон бўлмас эди. Америка Қўшма Штатларининг яқинда истеъфога чиққан Давлат котиби, 40 йиллик «иқтисодий дипломатия» тажрибасига эга дипломати Рекс Тиллерсоннинг «Американинг дунёдаги лидерлиги дипломатиядан бошланади. Ҳамкорлар ва иттифоқчилар бўлмаса ҳеч бир ишни амалга ошириш мумкин эмас, деган машҳур фикри аслида нафақат Америка, балки ҳар бир мамлакат учун жуда муҳимдир. Чунки кучли дипломатиясиз, соат механизмидек аниқ ва мунтазам ишлайдиган ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий муассасаларсиз давлат қанотлари заиф қуш каби дунё кенгликларидан парвоз қилолмайди, жаҳон меҳварига чиқа олмайди. Бугунги глобаллашган дунёнинг энг кескин ҳақиқатларидан бири — шу. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазириги тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг устувор йўналишларини амалга оширишда унинг иқтисодий муассасаларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонда баён қилинган вазибалар собитқадамлик билан амалга оширилса, юртимиз қисқа фурсатларда минтақа ва дунёдаги маквеини янада муस्ताҳкамлайди ва бу — мамлакатимизнинг гуллаб-яшнаши, халқимиз турмуш фаровонлиги ошишига хизмат қилади.



РЕКРУТИНГ Парламентда бандликни таъминлаш билан боғлиқ муҳим қонун лойиҳаси муҳокама этилмоқда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси йиғилишида қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди. «Рекрутинг фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси бўйича қизгин баҳс-мунозара бўлди. Аввало рекрутинг ўзи нима, деган саволга жаоб беришимиз лозим. Маълумки, мамлакатимизда фуқаролар бандлигини таъминлаш ишлари Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазириги, яъни фақат давлат ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Янги қонун лойиҳаси одамларни ишга жойлаштириш учун хусусий ташкилотларни давлатдан мустакил равишда иш берувчиларга ва иш қидираётганларга хизмат кўрсатади. Маълумотларга кўра, рекрутинг компаниялари ҳар йили бутун жаҳонда 8-10 миллион кишининг бандлигини таъминлайди. Қонун лойиҳасида давлат хизмати ҳамда хусусий сектор томонидан бандликка кўмаклашиш механизмларини тартибга солиш масаласи инобатга олинган, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Абдуғаффор Қирғизбоев. — Унда рекрутинг агентликлари, иш қидираётган шахсларнинг хуқуқ ҳамда мажбуриятларини аниқлаштирувчи меъёрлар ҳам алоҳида ифода этилган. Рекрутинг фаолияти тадбиркорлик билан боғлиқ бўлиб, юридик мақомага эгадир. У иш қидираётган шахслар бандлигини таъминлаш, иш берувчилар учун кадрлар танлаш билан боғлиқ хизматларни шартнома асосида амалга оширади. Рекрутинг агентлиги юртимиз қонунчилигига мувофиқ рўйхатдан ўтган тижорат ташкилоти ҳисобланади. Бундай агентликлар иш қидираётган шахсларга мамлакатимиз ҳудудида мос келадиган фаолият турини ахтариб топшишга ёрдам беради. Шунингдек, иш берувчилар учун кадрлар танлаш, чет элда иш ахтараётган шахслар бандлигини таъминлаш, меҳнат бозоридан ахборот ва маслаҳат хизматларини ҳам кўрсатади. Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда халқро стандартлар ҳамда рекрутинг фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича хориж тажрибаси инобатга олинган, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Алия Юнусова. — Қонуннинг қабул қилиниши катта қўлайлик яратди. Аҳолининг нафақат юртимизда, балки хорижда иш билан таъминлаш имкониятлари кескин ошди. Лойиҳада иш қидираётган шахсларни чет элда ишга жойлаштириш бўйича рекрутинг агентликлари фаолиятини тартибга солиш меъёрлари алоҳида келтириб ўтилган. Хусусан, хориж мамлакатларида меҳнат бозорини ўрганиш, иш берувчиларни ахтариб топилш ва олдиндан танловдан ўтган кишиларни иш билан таъминлаш бўйича шартномалар тузиш назарда тутилган. Чет элда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш масаласи ҳам эътиборга олинган. Рекрутинг наватбатдаги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазириги томонидан бериладиган лицензия асосида ишлайди. Ушбу вазириги ваколатли давлат ораини ҳисобланиб, унга рекрутинг агентликлари реестрини юритиш, қонунчилик талабларига риоя этилишини назорат қилиш, лицензия бериш ва қайта расмийлаштириш ваколатлари белгиланмоқда. Шунингдек, йиғилишда Қонунчилик палатасининг «Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг номини ўзгартириш тўғрисида»ги лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Мазкур қўмитани Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси, деб ўзгартириш ҳақидаги таклиф қўллаб-қувватланди. Йиғилишда муҳокама қилинган қонун лойиҳалари ва бошқа масалалар бўйича фракция ўз позициясини белгилаб олди.

ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИ

ТУРИЗМ РИВОЖЛАНИШИ ҲАММАМИЗГА ФОЙДА КЕЛТИРАДИ

Ўзбекистон улкан сайёҳлик салоҳиятига эга бўлган дунёнинг етук давлатлари қаторига киришини ҳаммамиз зўр мамнуният билан тилга оламиз. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз каби шаҳарларимиз тўғрисида, уларнинг тарихий бино ва иншоотлари тўғрисида эшитмаган, ҳаёти давомида бир маротаба ўз кўзи билан кўришни, уларнинг чиройидан баҳраманд бўлишни ҳавас қилмаган инсон кам топилади.



вазифалар белгилаб берилди, ички туризмни янада ривожлантиришга қўллаб-қувватлаш, енгилликлар жорий қилинди. Хоразм вилояти ҳам сайёҳлик салоҳияти бўйича катта имкониятларга эга ҳудуд ҳисобланади. Бутун бутун дунёда очиқ осмон остидаги музей, дея эътироф этилувчи «Хива-Ичанқалъа» музей-қўриқхонаси, Дешонқалъа, яъни, Ташқарикалъадаги Нуриллабўй мажмуаси, Хива оналарининг шаҳардан ташқаридаги «Қибла тоза боғ», «Чодра Ховли» ёзи қароргоҳлари, Урганч туманининг Гойиб қишлоғида жойлашган Туркман қалъа, яъни «Улли ҳовли» мажмуаси, Шовот туманидаги Юсуф Ҳамадоний зиёратгоҳи, Богот туманидаги Қалайқалъа, Ҳазорасп туманидаги Сулаймонқалъа каби ноёб мажмуалар мавжуд бўлиб, вилоятимизга сайёҳларни жалб этишда уларнинг имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш юзасидан амалий ишлар олиб боришмоқда. Вилоятда 21 сайёҳлик йўналишидаги ташкилот, 58 меҳмонхона фаолият кўрсатмоқда.

Яқинда Халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгаши Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссиясининг мажлисида «Вилоятда Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2017 йил 16 августдаги «2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида»ги масала танқидий-тахлилий муҳокама этилди. Кун тартибидан масала бўйича туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Жавлонбек Шамуратовнинг ахбороти тинланди.

Маърузачи ҳамда масала юзасидан музокараларда иштирок қилган депутатлар, соҳа мутахассислари таъкидлаганидек, вилоятимиз туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга бўла туриб, узоқ йиллар бу имкониятдан тўлиқ ва самарали фойдаланилмади. Мамлакатимизда иш ўринлари яратиш, иқтисодиётни диверсификация қилиш, ҳудудларни жадал ривожлантириш, валюта тушувларини қўлайлаштириш, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини ошириш каби энг муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларни яқин истиқболда ҳал қилиш учун туризмни ривожлантириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Вилоятда мутасадди ташкилотлар томонидан қарорнинг ижросини таъминлаш юзасидан қатор ишлар амалга оширилган. Жумладан, Хоразм вилоят ҳокимининг 2017 йил 18 августда 577 сонли қарори қабул қилиниб, вилоят ҳокими раислигида «Вилоятда туризмни ривожлантириш бўйича ҳудудий кенгаши» тарихий тасдиқланган. Соҳадаги ишларни янада жадаллаштириш ва мувофиқлаштириш мақсадида вилоят ҳокимининг туризмни ривожлантириш масаласи бўйича ўринбосари лавозими жорий этилган. Хоразм вилояти билан Туркменистон Республикасининг Дашқоғув вилояти ҳокимлиги ўртасида савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик тўғрисида Битим имзоланган. Шу билан бирга, вилоятда туризмни ривожлантириш, унинг замонавий инфратузилмасини шакллантиришда айрим камчилик ва муаммолар ҳам мавжудлиги аниқ мисоллар билан қайд этилди. Мисол учун, хожатхоналар масаласига жиддий эътибор қаратилмаган. Уларнинг тартибсизлиги, камлиги бор ҳақиқат. Маданий мерос объектига кириш тизимини такомиллаштириш, турникетлар, видеокамералар ва йўл кўрсаткичлари ўрнатиш, ахборот марказлари ташкил этиб, сайёҳларни қизиқтирувчи хизматларни тизимли

йўлга қўйиш масаласи эътибордан четда қолмоқда. Юртимизга келаётган хорижлик сайёҳларга енгиллик яратиш мақсадида бир неча тилда (бутун дунё аҳолисига тушунарли бўлиши учун) йўл кўрсаткичларининг ўрнатилишига алоҳида эътибор бериш керак, деб ҳисоблаймиз. Тарихий обидалар ҳудудида бе-пул Wi-Fi хизмати йўлга қўйилмагани боис, сайёҳлар ўз таассуротларини реал вақт режимида бўлиша олмайди. Зеро, бугун туризмни ривожлантиришда интернетнинг хизмати беқиёс экани ҳаммамизга аён. Бу йўналишда давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигини таъминлаш ўзининг яхши натижаларини беради. Вилоятимиз зиёрат туризми, маънавий-матрифий туризм, экотуризм, этнотуризм бўйича катта салоҳиятга эга. Бу йўналишларни ривожлантириш учун зарур инфратузилмани йўлга қўйиш зарур. Аммо афсуски, бу масалада фоллик етишмапти. Туризм замонавий иқтисодиётимизнинг муҳим йўналиши бўлишини инобатга олган ҳолда, мазкур масалани халқ депутатлари вилоят Кенгашининг наватбатдаги сессияси муҳокамага киришти тавсия этилди. Ушбу сессия, сессия муҳокама-си вилоятдаги сайёҳ-харакатларни бириктиришда, ишларни тизимлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Туризм масаласига иккинчи даражали масала сифатида муносабатда бўлишга ҳақимиз йўқ. Чунки бу соҳа ривож топса, умумий тараққиётимиз тезлашади. Барқарор, юқори ҳақ тўланадиган иш ўринлари яратилди, хизмат кўрсатиш сифати ошди, ижтимоий инфратузилма яхшиланади. Демак, сайёҳлик ривожидан ҳамма манфаатдор бўлади. Раимбергана САБУРОВА, Халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири. Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олан суратлар.

«Президентимиз Шавкат Мирзиёевга бутун каттақўрғонликлар номидан миннатдорлик билдирмоқчиман. У кишининг шарофати билан қанчадан-қанча оилалар томорқадан олинган даромад орқасидан тўқ-фаровон яшамоқда».

ТОМОРҚАДАН ТИЛЛО ТОПГАНЛАР

Каттақўрғонлик соҳибкорларнинг изланишлари, интилишлари ҳақида

— Бутун умрим ер билан тиллашиб ўтмоқда, — дейди меҳнат фахрийси, Каттақўрғон туманидаги Новқа қишлоғида яшовчи Эрдош ЭРГАШЕВ. — Собиқ тузум даврида салкам 40 йил бригадир, агроном лавозимларида ишладим. Гектар-гектар ерларда пахта етиштиришни қўйиб қилибмизу, ўзимизнинг томорқамизга қарашни, ундан даромад олишни ўрганмабмиз. Президентимизга раҳмат, бу борада бутун халқимиз кўзини очди. Мамлакатимиз раҳбари томорқадан тўғри фойдаланган одам қандай имкониятларга эга бўлиши ҳақида ҳаётий мисоллар билан ҳар доим гапириб келмоқда. Бундан ҳулоса чиқариб, икки сотих ерда иссиқхона барпо этдим. 43 туп лимон кўчати ўтказдим. Меҳр берса, меҳнат қилса бўлар экан. Лимонларим ҳосилга кирди. Ҳар туп дарахтдан 54 килограммдан мева йиғиштириб олдик. 2274 килограмм лимоннинг ҳар бир килосини 9 минг сўмдан жами 23 миллион сўмга уйимдан олиб кетишди.

Икки ярим сотих ерга иккинчи иссиқхонани қурдим. Унга мандарин, банан, апельсин, помидор, бодринг экдим. Мингга яқин лимон кўчати етиштирялман. Савоб учун қишлоқдошларимга бепул тарқатмоқчиман. Ташкентга бориб, киви кўчати олиб келдим. Ҳозир уни парваришлялман. Келажакда киви ҳам ўзимиздан чиқади. Ёшим бир кам саксонда, 11 нафар фарзандим, 35 набирам, 7 эварам бор. Ҳаммасини меҳнат қилишга, ҳалол яшашга ўргатганман. Томорқада ишлаб, ўзимнинг ҳам, кампиримнинг ҳам соғлигимиз яшиланди. Даромад олиб, кайфиятим кўтарилди. Тўғриси, томорқадан шунча фойда олиш мумкинлигига ишонмаган эдим. Бугун мендан ўганиб, биргина Новқа қишлоғида ўнга яқин иссиқхоналар барпо этилди. Одамлар дангасалиқдан қўтулиб, меҳнат қилиб, пул толиб бойимокда. Шу кунларда асалари ҳақида китоб ўқиялман. Ари боқмоқчиман. Ҳам асал оламан, ҳам арилар лимонларимни чанглатади. «Нуроний» фонди ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини ишларида ҳам фаол иштирок этман. Меҳнат қилган одамни биров билан жанжаллашшга, беҳуда гап сотишга вақти бўлмайдди. Дунёдаги ҳамма бемаъни ишлар бекорчиликдан келиб чиқади. Қишлоғимиздан уч одам яқинда қамоқдан қайтди. Шу кунгача уларнинг уйига бир неча марта бордим. Чақириб, иссиқхонани кўрсатдим. Кўчат керак бўлса, бераман, сизлар ҳам томорқаларингизда иссиқхона қуришлар, деб маслаҳат бердим.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевга бутун каттақўрғонликлар номидан миннатдорлик билдирмоқчиман. У кишининг шарофати билан қанчадан-қанча оилалар томорқадан олинган даромад орқасидан тўқ-фаровон яшамоқда. Иссиқхонани қуриш учун ҳар қуши одамлар келади. Уларга биланларимни айтиб бераман. Самарқанд вилояти ҳокими Туробжон Жўраев, Каттақўрғон тумани ҳокими Аъзамхон Баҳромовлар ҳам томорқамни кўриб, иссиқхонани кўздан кечириб, атрафдагиларга ҳам ўргатишимни айтишди. Худо хоҳласа, шу йил муборак Ҳаж сафарига бормоқчиман. Унга кетадиган харажатларни аллақачон томорқадан олган даромадимдан тахлаб қўйганман, болаларимга ҳеч қандай оғирлигим тушмайди. Тенгдош жўраларим менга: кўринмайсан, уйингдан тилло топдингми ё, дейишади. Ҳа, томорқадан тилло топдим.

— Баъзи бир аёлларимизга ҳайрон қоламан, — дейди Сарой қишлоғида яшовчи Соҳиба ШОДМОНОВА. — Уларга ўшаба гап-гаштакка боришга вақт топа олмаيمان. 12 сотих томорқамиз бор. Унда сабзи, пивз, картошка, саримсоқ, помидор етиштирамиз. Бундан ташқари, 6 та хурмоғиз, 3 та навшати, 3 та олма, 6 туп анор, 3 та гилос, 10 та ўрик, 30 туп тоқимиз бор. Рўзгорда сут-қатиқ бўлиши учун 4 бош мол қилганмиз. Фарзандларим билан биргаликда қараймиз. Рўзгорга бирон нарсани бозордан сотиб олмаймиз. Ҳаммаси томорқадан чиқади. Турмуш ўртоғим фермер хўжалигида ишлайди. У киши ҳам бўш вақтларида томорқага уйнайди. Мен иш йўқ, деб ўтирадиган аёллар фикрига қўшилмайман. Томорқаси бор одамни ишсизман, дейишга ҳаққи йўқ. Томорқада меҳнат қилса, пул



Алишер Навоийнинг «Мақлуб ул-қулуб» асаридан.

ДЕҲҚОНЛИК ЗИКРИДА

Деҳқонки, донна сочар, ерни ёрмоқ била ризқ йўлини очар. Агар ростлик ва салоҳи бордур, ўйи солиқ ноқасидин намуздордур. Кўши ҳам икки зўр паҳлавон, юкига буюн сунуб олида равон; иш қилурда ҳамдам ва ҳамқадам, деҳқон аларни суради андоқни Одам. Олам маъмуриги — алардин, олам аҳли масруриги — алардин. Ҳар қаён қилсалар ҳаракот, элга ҳам кут ёткурур, ҳам баракот.

Деҳқонки, тузлук била донна сочар, Ҳақ бирига етти юз эшигин очар. Соқчон донна кўқаргунча, ўруб хирман қилиб, махсулин кўтаргунча курту қуш — андин баҳраманд ва дашт ваҳши — анинг била хурсанд. Мўрлар уйи — андин обод ва гўрлар хотири — анинг била шод. Кабутарларга андин мастлик, тўрайларга андин нишотга ҳамдастлик. Уроқчиға андин рўзи, бошоқчининг ёруб андин кўзи.

Барзагага андин қом ҳосил, пуштакашга андин мурод восил. Гадо андин тўқ, қадхудо тўқлуги ҳам андин-ўқ. Мусофирга андин таом, мужовирга андин қом. Итмақчи танури андин қизик, аллоф бозори андин иссиқ. Фуқаро ризқи андин вофий, гурабо кўти андин кофий. Зоҳидга андин хузур тоат, обидга андин лофий қаноат. Соийл харитасида андин муҳайё актош, шох хизонасида андин баҳру қом матои.

Деҳқоннинг бир донна сочарида бу ҳолдур, ўзга ишлари таърифи маҳолдур. Боғи жаннатдин намуздор, полизида руҳ кўти падидаур. Ашжорининг ҳар бири чархи азхар, ул шажар ва раёҳин ва фавоқихи нуҷум ва ахтар. Фуқаро сирка ва душоби андин, агниё нуқлу майи ноби андин.

Гуноғун фавоқихи билаким богда тазийн, чаман мулкида богланиб тазбия ва ойин.

Мундоқ киши керакки, бухлдин муарро бўлса ва кизбу имсоқдин мубарро. Шоҳ молин берурдин ифо қилмаса ва забун шерикка жабо қилмаса; то доноси дурри саодат бар бергай ва тўхм сочиб, анжуми улувви рифъат тергай. Мундоқ деҳқон Одамнинг фарзанди халлафидур, баки марзўқлар анга фарзанд ва ул Одами сафийдур.

Қитъа:

Кимки деҳқонлиг айлади пеша,
Дағи нон бермак ўлди анга шюро.
Буйла кимса улувви рифъатдин
Одам ўлмаса, одамни худ бор.

Фаррух ҲАМРОЕВ

ҳам келади. Биз томорқамизда етиштирилган ҳосилнинг яримдан кўпрогини бозорга чиқарамиз. Мана шу томорқанинг орқасидан топишган даромад туфайли бировдан кам эмасмиз. Мен барча аёлларимизга томорқада ишлаган одам саломат бўлишини, рўзгори бут, тинч, болалари яхши еб-ичишини айтмоқчиман. Шу кунларда товуқ боқиш учун жой тайёрлатаман. Энди туҳум ҳам ўзимиздан чиқади.

— Томорқага эътибор берилса бошланганидан кейин мен ҳам 2 сотих ерга иссиқхона қурдим, — дейди Мундияёв қишлоғида яшовчи Бобур МАВЛОНОВ. — Ота-боболарим деҳқон ўтишган. Мана, ўзларингиз кириб кўринлар, бодринг пишган. Помидор гуллаб ётибди. Бодрингни бемаъл бозорга чиқариш мумкин. Помидор эса май ойида тайёр бўлади. Бу иссиқхона деганлари қони фойда экан. Яна битта иссиқхона қуриш учун ҳаракат қилганман. Фақат иссиқхона ҳақидаги тушунарларимизни, билимларимизни оширишимиз керак. Шу ўринда қишлоқ хўжалигига ихтисослашган интернет сайтлари кўлайишни истайман. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги соҳаси олимлари томонидан томорқада ҳосил етиштириш, алмашлаб экиш, ҳосилдорлиқни ошириш, зараркундаларга қарши курашиш бўйича китоблар ёзилса, янада яхши бўлар эди. Ўзи ишсиз, лекин томорқаси бор тенгдошларимга маслаҳат бермоқчиман. Келинг, иссиқхонани кўринг, мен сизларга беминнат ёрдам беришга тайёрман.

— Мен саримсоқ етиштираман — дейди Қўштепа қишлоғида яшовчи Ойбек ТУРСУНОВ. — Томорқамда бир қарич ҳам бўш ер йўқ. Саримсоқнинг илк ҳосилини май ойида бозорга чиқараман. Уч ярим сотих ерга картошка экканман. 18 та анорим бор. 40 туп нок ҳосилга кирган. Томорқамдан олаётган даромадим бутун оилам таъминотиға етиб ортади. Янги иморат қурдим. Машина сотиб олдим. Бировдан кам жойим йўқ.

Бир пайтлар нотўғри бир фикр юрарди. Ердан, кетмондан бой бўлмайсан, деган. Мен ўз ҳаётим мисолида бу гап пуч эканлигини исбот қилмоқчиман. Ҳар йили икки тонна саримсоқ, бир ярим тонна картошка оламан. Томорқадан 1 йилда 3 мартагача ҳосил олишни ўрганиб олдим. Қайси сабазотнинг қачон экилишини, қанча вақтда тайёр бўлишини биламан. Шу кунларда томорқа четларига хурмо кўчати экимоқчиман. Қисқаси, бугун одамлар бир-бири билан қўришганида деҳқончилик, томорқа ҳақида гапирди. Бу борада кўни-қўшнинг ёрдам берадиган, қўллаб-қувватлайдиган бўлишди. Ҳаттоки оқсоқол деҳқонларимиз томорқасига қарамган хонадонларга кириб, танбех беришапти. Баъзилари ўзлари етиштирган кўчатларни келтириб экишапти. Тўғриси, одамларимиз йиллар давомида шундай имкониятдан фойдаланмай келишаётган экан. Инсоф билан айтганда, қишлоқда томорқаси йўқ одамнинг ўзи йўқ. Лекин томорқасидан унумли фойдаланмаётганлар бор.

— Деҳқон хўжаликларини ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш тўғрисидаги Вазиirlар

Маҳкамасининг қарори ижросини таъминлаш мақсадида Каттақўрғон туманида фермер, деҳқон хўжалик ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳамда «Томорқа хизмати» МЧЖ ва «Усимликлар клиникаси» ташкил этилди, — дейди Каттақўрғон туман фермер, деҳқон хўжалик, томорқа ер эгалари кенгаши раиси Мардон МАВЛОНОВ. — Каттақўрғон тумани ҳокими Аъзамхон Баҳромов қарори билан бизга Улғубек маҳалла фуқаролар йиғинидаги бўш турган бино ажратилди. Бугунги кунда «Томорқа хизмати» МЧЖга «Ағробанк»нинг Пайшанба филиали томонидан 156 500 000 сўм кредит маблағи берилди. Ушбу маблағнинг 126 500 000 сўмига турли хил қишлоқ хўжалиги техникалари келтирилди. Шунингдек, уруғ ва кимёвий воситалар олиниб, аҳолига тарқатилмоқда.

Каттақўрғон туманидаги 69 маҳалла фуқаролар йиғинларида 50401 хонадон мавжуд бўлиб, улар тасарруфидаги 3116 гектар томорқа ерларга турли хил қишлоқ хўжалиги экинлари экиш бўйича маслаҳатлар, тавсиялар берилди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, 272 гектарга пивз, 257 гектарга сабзи, 158 гектарга қарам, 263 гектарга бодринг, 442 гектарга помидор, 626 гектарга картошка, 110 гектарга саримсоқ, 123 гектарга нўхат, 172 гектарга қўқатлар ҳамда минг гектардан зиёд майдонга бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги экинлари экиш белгиланган.

«Томорқа хизмати» МЧЖ фаолияти тўлиқ йўлга қўйилганидан кейин 100 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Жамиятимиз томонидан шу кунгача кам таъминланган оилалар томорқасини экишга тайёрлаш, уларга қишлоқ хўжалиги экинлари уруғини етказиб бериш, турли хил мева кўчатлари билан бепул таъминлаш бўйича ҳам бир қатор ишлар олиб боришмоқда. Туманимизнинг уста соҳибкор боғбонларидан иборат тарғибот гуруҳи ташкил этилди. Улар қишлоқма-қишлоқ, хонадонма-хонадон юриб, томорқа хўжалиги билан танишиб, ўзларининг маслаҳатларини беришмоқда. Шунингдек, жамиятимиз томонидан иссиқхоналар қуришда аҳолига ёрдам бериш борасида ҳам бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда...

Каттақўрғон туманида иш қизгин. Биз фақат кўрдик, эшитдик. Саволлар бердик. Жавоб олдик. Кўзимиз қувонди. Одамларнинг меҳнат билан бандлигидан, Каттақўрғон гуллаб-яшнаётганидан бошимиз осмонга етди. Тўғриси, томорқасизга унмаган одамни топшиш мушкул. Ҳатто мактабларда ҳам иссиқхоналар қурилиб, экинлар экилаётганига гувоҳ бўлдик.

Ҳа, каттақўрғонликлар одамларни эзгуликка, яратилма, меҳнат қилишга, баракка топилма, ҳалолликка ундаётган бугунги ислохотлардан рози ва миннатдор бўлиб, ерга уруғ қадашмоқда. Биз миришкор деҳқонлар билан ҳосил байрамларида кўришини ният қилиб хайрлашдик.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV Muslihidin
Ulug'bek VAFOYEV MUHIDDINOV
Saidkamol XODJAYEV Ochilboy RAMATOV

Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
Raklama va e'lonlar uchun — 233-47-80, 233-38-55
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 438, 11551 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 02:55.
Topshirilgan vaqti — 04:35.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Nurullo OSTONOV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV



1 2 4 5 6